

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

давлат-хусусий шериклик механизмларини, энг аввало, инфра-тузилма объектлари ва ресурслар энг кўп сарф қилинадиган тар-моқларда кенг жорий этишга қўмаклашиш;

долзарб муаммоларни, энг аввало, жойлардаги муаммоларни ҳал этишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институт-лари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашу-ларини ишлаб чиқиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий меха-низмларини жорий этиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш;

б) иктисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

мамлакатимиздаги инновацион ғоялар, ишланмалар ва техно-логияларни тарғиб қилиш ва улардан амалий фойдаланишнинг механизмларини шакллантириш, бозорининг тез ўзгаришчан ҳаёт конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда миллий иктисодиётни жа-дал ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган илмий тадқиқот-лар ўтказишни ташкил этиш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш имко-нини берувчи экологик тоза технологияларни қўлланган ҳолда унум-дорлиқни оширишни назарда тутидиган "яшил иктисодиёт" техно-логияларининг принципларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қўмаклашиш;

республика инновацион салоҳиятининг, эркин иктисодий ва ки-чик саноат зоналари, технопарклар, шунингдек, логистик ҳаблар фаолияти самарадорлигининг ўсишига фол қўмаклашиш;

макроиктисодий, солик-бюджет, пул-кредит параметрлари, шу-нингдек, интеграция жараёнларининг иктисодиётга таъсирини ба-ҳолаш билан ўзаро боғлиқликда иктисодиёт тармоқларини ўрта ва узоқ мuddатли ривожлантириш сценарийларини шакллантиришга қўмаклашиш;

ҳизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, ин-новацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини ошириш;

инновацион ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардорлигини туб-дан ошириш бўйича тақдирлар киритиш;

инновацияларни жорий этиш ва ҳудудлар иктисодиётини ди-версификация қилиш қўламини кенгайтириш, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан оракда қолган туман ва шаҳарларни жадал ривожланти-риш ҳисобига ҳудудлар иктисодий тараққиётидаги номунасосиб-ликларининг олдини олиш;

в) қишлоқ ҳўжалигига инновацияларни жорий этиш со-ҳасида:

энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи "Ақлли қишлоқ ҳўжалиги" концепциясига асосланган қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришнинг замонавий синалган шакллари жорий этиш бўйича тақдирлар киритиш;

аграр секторда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорлиқни жўдйди ошириш ва мо-лявий қўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга қўмаклашиш;

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ҳаёт бозоридagi рақобат-бардорлигини, шу жумладан йирик ритейлёрлар ёрдамида таъ-минлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри ет-казиб беришни кенгайтиришга қўмаклашиш;

г) ижтимоий ривожланишга инновацияларни жорий этиш соҳасида:

таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқа-ли тарғиб қилишга қўмаклашиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан касалликларни бар-вақт аниқлаш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илгор технологияларни, "Ақлли тиббиёт" ва "Ягона тиббиёт ахборот мар-кази" концепцияларини жорий этиш орқали жадал ривожланти-ришга, шунингдек, аҳолининг узоқ умр кўриши учун қўшимча ша-роитлар яратишга қўмаклашиш;

"Хавфсиз шаҳар", "Ақлли шаҳар" концепцияларини жорий этиш-ни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шaroит-ларни таъминлайдиган маданий, спорт ва бошқа объектларни ташкил қилишни ҳам назарда тутувчи илгор стандартларни ҳисоб-га олган ҳолда, шаҳарсозликнинг факат бош режалар, режалаш-тириш ва қурилиш лойиҳаларига мурофи изчил ривожланишини таъминлашга қўмаклашиш;

д) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фой-даланиш тизимига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

атроф-муҳит ифлосланишини камайтиришга, жумладан, атмос-фера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни, сув

объектларига ташланадиган оқова сувларни камайтиришга, био-логик хилма-хиллик ва экотизимни сақлашга қаратилган инно-вацион технологик ечимлар ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқариш бўйича инновацион ғоялар ва ишланмаларининг, жумладан, мукобил энергия манба-ларидан фойдаланиш, энергия тежамкор, экологик тоза автотранс-порт ёқилсини ишлаб чиқариш технологиялари, чанг ва газдан тозаловчи технологияларнинг амалда қўлланишига қўмаклашиш;

суддан фойдаланиш тизимини, шу жумладан сувни тозалаш, чўчуқлаштириш, оқова сувлардан қайта фойдаланиш ва сув те-жашнинг инновацион технологияларини жорий этиш орқали тако-миллаштириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш;

маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, шу жумладан энергия ва биоўғитларни ишлаб чиқариш учун юқори техноло-гияларни жорий этиш бўйича илмий асослантирилган тақдирлар иш-лаб чиқиш;

иктисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, энер-гия тежамдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайти-риш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

е) илгор технологиялар жорий этилишини ташаббус қилиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш соҳасида:

инновацион тадқиқотлар, ғоялар, ишланмалар ва техноло-гияларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш, шунинг-дек, истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда но-ворлик ғояларини, шу жумладан норматив-ҳуқуқий базани тако-миллаштириш орқали ишлаб чиқиш;

имтиёз ва преференциялар тақдим қилиш, қўзғамза тадбирла-рини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли ақин ҳамкорлиқни йўлга қўйиш орқали инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасалар, илмий-экспериментал ик-тисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказ-лари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузил-маларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (илмий-тадқиқот ишла-ри қисмида), шунингдек, уларнинг моддий-техника ва илмий са-лоҳиятини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича замонавий илмий-технологик комплекслар, бизнес-инкубаторлар, стартап-акселераторларни, шу жумладан етакчи ҳаётини ишлаб чиқарувчиларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш, шунингдек, IT-инфратузилмани ривожлантиришга қўмаклашиш;

узоқ мuddатли технологик ривожланиш эҳтиёллари ва тенден-цияларини ҳисобга олган ҳолда замонавий юқори технологик иш-лаб чиқаришни, шу жумладан янги авлод транспорт воситалари, робот техникалари ва юқори технологик маҳсулотларнинг бошқа турларини маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш;

маҳаллий инновацион маҳсулотларни, шу жумладан расмий-лаштирилган ҳалқаро патент ва лицензиялар асосида жорий этиш, ички ва ҳаётини бозорларига йўналтириш имконини берувчи самар-али механизмларни ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлик:

Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ри-вожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва техноло-гик са-лоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

инновацион фаолиятни унинг самарадорлиги индикаторлари асосида баҳолайди, илгор технологияларни биринчи даражада жо-рий этиш талаб қилинадиган тегишли тармоқ ва соҳаларни ри-вожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш масалаларни бўйича давлат бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари ҳамда бошқа таши-лотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амал-га ошириладиган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойи-ҳаларининг ягона буюртмачиси ҳисобланади;

юқулатилган вазифалар доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишларнинг ҳолатини ўрганиди, инновация фаоли-ятини такомиллаштириш бўйича тақдирларни тўплаш ва умумлаш-тиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларига тақдирланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Белгилансинки, Вазирлиқнинг фаолият соҳасига кирувчи ма-салалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлик билан мажбурий тартибда келишилиши шарт.

6. 2018 йил 1 январдан:

Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги;

Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги

Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳамда унинг Икром тўғрисида дирекцияси тугатилсин.

Белгилансинки, ушбу бандда қўрсатилган тугатилган идора ва муассасаларнинг бўшаётган штат бирликлари Вазирликка ўтқа-зилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда тугатилган идора ва муассасаларнинг ходимларини иш билан таъминлашга қўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лиги, Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳ-нат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Фанлар академияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини танқидий ўрганишни ҳамда илмий-тадқиқот фаолияти, унинг натижаларини амалиётга жорий этиш тизимини тубдан такомиллаштириш, шу-нингдек, илмий-экспериментал иктисослаштирилган лаборатория-лар, юқори технологиялар марказлари, юқори технологияли маҳ-сулотларни ишлаб чиқариш бўйича технопарклари ташкил этиш юзасидан тақдирлар киритишни;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа ман-фаатдор идоралар билан биргаликда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг вазифа ва функцияларини улар фаолиятида бир-бирини тақдорлашнинг олдини олиш мақсадида ташкилий-штат тузилмалари ва ваколатларини оптималлаштириш нуктаи назардан қайта кўриб чиқиш бўйича танқидий ўрганишни ва тақдирлар киритишни;

мазкур Фармоннинг 6-бандида қўрсатилган идоралар ва муас-сасалар тугатилиши билан боғлиқ тадбирларни ташкиллаштириш, шунингдек, Вазирлиқни жойлаштириш, шу жумладан тугатилган идоралар ва муассасаларнинг бинолари ва моддий-техника базасини ўтказиш орқали унинг моддий-техника базасини ташкил этиш, ишчи самарали ташкил қилиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан жиҳозлашни;

туғатилган Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссия-си ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ри-вожлантириш жамғармаси маблағларини Жамғарма ҳисобига ўтқа-зишни;

Вазирлиқни юқори малакали кадрлар билан, шу жумладан ту-гатилган идоралар ва муассасаларнинг ходимлари ҳисобидан тўлдиритиш;

илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари, шунингдек, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдала-ниш имкониятларини кенгайтиришни ҳам белгилловчи Ўзбекистон Республикасининг "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва "Фан тўғрисида"ги қонунлари лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белги-ланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қону-чилик палатасига киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўи-таси Молия вазирлиги, Иктисодиёт вазирлиги ва бошқа манфа-атдор идоралар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий лабораторияларни жиҳозлаш, олим ва мутахассисларнинг хорижда амалиёт ўтатишни ташкил этиш учун кредит ва грант-ларни жалб қилиш бўйича хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан тизимли ишларни олиб бор-син.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фанлар акаде-мияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

Вазирлик ва Жамғарма фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбе-кистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгар-тиш ва қўшимчалар тўғрисида тақдирларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари У.С.Исмаилов, О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 29 ноябр

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ
ЮКСАЛТИРИШДАГИ
ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Таълим маркази билан ҳамкорликда семинар ташкил этилди.

Халқ таълими вазири У.Иноятгов ва бошқалар Ҳаракатлар стратегиясида умумий ўрта таълимни янада ривожлантириш, ўқитишни сифат ва маз-мун жиҳатдан юқори босқинга олиб чиқишдек ва-зифалар белгиланганини таъкидлади.

Ўқитиш сифатини юксалтиришда хорижий мам-лакатлар билан маърифий ҳамкорлиқнинг тобора кенгроқ йўлга қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Корея Респу-бликасида қилган давлат ташрифи доирасида им-золанган битим ва келишувлар билан бирга таъ-лим сифатини ошириш мақсадида юртимизда ушбу давлатнинг ўқитишга оид илгор тажриба-ларини жорий этиш масаласига эътибор қаратилган эди.

Мамлакатимизда Корея Республикаси билан таъ-лим соҳасидаги ҳамкорлик ўқитишнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимда педагогларнинг профессионал маҳоратини оши-риш, ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқитишга илгор АКТ ва педагогик технологиялар-ни жорий этиш каби йўналишларда тобора ри-вожланмоқда. Жумладан, ҳар йили мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг информатика ўқитув-чилари Корея Республикасида ахборот техноло-гиялари соҳасида малака оширмоқда. Юртимиздаги 13 умумтаълим мактабда, қатор лицей ва кол-лежларда корей тили дарс сифатида ўқитилди.

– Юртингизда таълим соҳасига қаратилган юксак эътибор таҳсинга лойиқ, – дейди Корея Рес-публикаси Таълим вазирлигининг бошқарма бош-лиги Чой Чун Ха. – Ушбу семинар таълим соҳасида илгор билим ва тажрибаларни ўзаро ўртоқлашиш, фикр алмашиш, касбга оид малака ва кўникмалар-ни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ахборот-коммуникация техно-логияларини ўқитиш ва амалиётда қўллаш, мультимедиа маҳсулотларини яратиш, таълим сифатини мониторинг қилишдаги мезонларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, таълим-ни бошқаришни ташкил этиш бўйича хорижий му-тахассислар билан тажриба алмашиш имконияти яратилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таъли-ми, Мактабгача таълим вазирликлари ва Ўрта мах-сус касб-хунар таълим марказининг масъул ходим-лари Корея Республикаси Таълим вазирлигининг мутахассислари билан илгор иш тажрибалари ҳу-сусида ўзаро фикр алмашади.

Н.УСМОНОВА

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ
МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
СУДЬЯЛАРИНИНГ РОЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан ушбу мавзуда халқаро семинар ўтказилди. Унда кенгаш аъзолари, Олий суд судьялари, вазирлик ва идоралар вакиллари, хорижлик экспертлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси М.Усмонов ва бошқалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг қўла-ми ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини қучайтириш чора-тадбир-лари тўғрисида"ги Фармони суд ҳокимиятининг чина-кам мустақиллигини таъминлаш, унинг нуфузини оши-риш, судьяларни талаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъ-минлашга қўмаклашувчи янги институт – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш ўз вазифаларини амалга оширишда, ҳусусан, судьяларнинг касб тайёргарлигини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазир-лиги, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси, илмий муас-сасалар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳам-корлик қилмоқда.

Мазкур семинар ҳам Судьялар олий кенгаши фао-лиятига доир халқаро ҳуқуқ нормалари ва андозалари билан танишиш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги масалаларида илгор хорижий тажриба-ни ўрганиш мақсадида ташкил этилди.

Табрида суд ҳокимиятининг мустақиллигига оид хал-қаро андозалар, судьяларни талаш ва тайинлашга масъул органлар фаолиятини ташкил қилиш, судьялар фаолиятини баҳолаш ҳамда интизомий жавобгарлигига доир масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Судья-лар олий кенгаши фаолияти ва соҳага доир ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишим, – дейди халқаро эксперт Маартен Стеенбеке (Нидерландия). – Судьялар олий кенгаши судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим орган ҳисобланади. Бугунги семинар судьялар-га нафақат Ўзбекистондаги, балки бу борада хорижий тажрибани қайта этиш ва ўрганишга ёрдам бериши билан ҳам аҳамиятлidir. Бу эса суд қонунлари ва суд амалиётини халқаро стандартлар даражасига олиб чи-қишга хизмат қилади.

Хорижлик экспертлар томонидан суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги масалаларида Судья-лар олий кенгаши ҳамда судьялар ўзини-ўзи бош-қаруш органларининг ҳамкорлиги ва фаолиятига доир илгор хорижий тажриба юзасидан тақдиротлар қилин-ди. Шунингдек, иштирокчилар Шарқий Европа, Жану-бий Кавказ ва Марказий Осиёда суд органларининг мустақиллигига доир Киев тавсиялари ҳамда ЕХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг ҳуқуқий хулосалари билан танишди.

Гўзал САТТОВОРА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Жаҳон тажрибаси барча соҳада сифатли ўсиш-ни таъминловчи янгиликларни узулусиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иктисодий ри-вожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлан-ганлигини кўрсатмоқда.

Бугун ривожланишнинг инновацион моделла-ри ва "ақлли" технологиялар амалга оширилаёт-ган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барка-рор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг бар-кардор тараққиёти, уларнинг ҳаёт бозорларида рақобатбардорлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва ҳисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланма-ларга асосланади.

Ушбу мамлакатларда инновацион ғоялар, иш-ланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйи-ча давлат стратегиясининг ижроси шартли ра-вишда "кеלאжа вазирликлари" деб номланувчи махсус идоралар томонидан амалга оширилади.

Инновацион ривожланиш учун масъул идора-ларнинг асосий вазифаси инновация ва фан ютқу-ларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатни-нинг иктисодий ўсиши ва ҳаёт бозорларидаги рақобатбардорлигини таъминлаш ҳамда иктисо-диётда интеллектуал улушининг қўлашчи ҳисоб-ланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўна-лиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш си-фатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар то-монлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамла-катни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳасини либераллаштириш бўйича аниқ мақ-садлар белгиланган олиди.

Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган баркардор бозор иктисодиётига, замонавий ва глобал бозорда ра-қобатбардор саноатга, шунингдек, қўлай инвестициявий ва ишчиллик муҳитига эга жадал ри-вожланаётган мамлакатга айлантиришимиз ло-зим.

Қўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривож-ланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтқа-масдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамла-катда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иктисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий со-

ҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва техно-логияларни амалда жорий қилишни рағбатлан-тиришнинг самарали тизимини яратиш зарура-тини таъкидлади.

Бирок, бой интеллектуал ва инфратузилмавий салоҳиятга қара



24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов куни

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Бугун мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятни ривожлантириш ва юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-этиборини янада ошириш йўлида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу каби туб ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этаётган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси миллий қадриятлар ва манфаатларни ҳимоя қилишни бош дастурий мақсад сифатида белгиланган.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига бўлиб ўтаётган сайловда партия Сайловолди платформасида белгиланган мақсадларини эълон қилар экан, бу масала ва муаммоларнинг ечимини топишга жўшқин руҳ билан ёндашади, пойтахтимизни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида янги тақдирларни илгари суради.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сайловолди платформаси партиядан Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига сайланадиган депутатлар учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалар дастуруламали ҳисобланади. Бу вазифалар партияга гоёси, мафкураси, ижтимоий қатлами ва электроти манфаатларига жавоб беради, партиянинг куч ва имкониятларига мос келади. Шу боис сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот ва халқаро йўналишларда партия ўз зиммасига олаётган вазифаларга миллий қадрият ва аъёнлар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига бўлиб ўтаётган сайловга оз фурсат қолгани сари “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ушбу жараёнга тайёргарлик ишлари янада қизгин тус олаётди. Айни пайтда пойтахтимизда ушбу сиёсий жараёнга қўнғиликда белгилаб қўйилган талаблар асосида пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Сайловда ўз номзодлари билан иштирок этаётган партиямиз маъруз жараёнда муносиб қатнашиш, маҳаллий вакиллик органларидан қўнғилик депутатлик ўринларини эгаллаш мақсадида тайёргарлик ишларини изчил олиб бормоқда.

Сайлов жараёнида партиямиз энг муҳим масалалар — маънавий-маърифий соҳада миллий ўзлиқни англаш ва миллий тикланиш жараёнидан миллий юксалиш сари бораётган жамиятимиз олдидан турган бугунги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Биз глобаллашув шароитида яшамокдамыз, шунинг учун ҳам партиямиз ёшларимизни “оммавий маданият” никоиб остида кириб келаётган бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишда ташаббускор бўлади. Шу маънода айтганда, “Миллий тикланиш” демократик партияси — ҳар бир ота-онанинг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Партия маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдоридир. Бундан ташқари, партия тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада қўлқайтиришга қўмақлашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшлар қалбига тарихий мерос ва халқ аъёнларига нисбатан чуқур ҳурмат, эҳтиром уйғотишга қўмақлашади.

Иқтисодиёт ҳар бир мамлакатнинг тараққиётини белгилловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу боис ЎзМТДП иқтисодиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш янада қўлайтириш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш ва уни хорижий сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, миллий брендлар яратиш ҳамда энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгиланган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга қудратли давлат эканлиги барчага маълум. Кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остидаги маҳсулотларнинг жаҳон бозорларига кириб бориши йўлидаги саъй-ҳаракатларни партиямиз қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик каби миллий ишлаб чиқаришнинг аъёнларий турларини ривожлантиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Шу ўринда ЎзМТДП туризмни ривожлантириш тарафдори эканлигини айтиш ҳоиз. Юртимиздаги бебаҳо меъморий обидалар — миллий-маънавий қадриятларимиздир. Бу маънавий бойликлар бутун дунёни ўзига мафтун этади. Партия ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаш ва бутун дунёга тарғиб қилиш бўйича кенг фаолият олиб боради. Сайёҳликнинг янги йўналишларини қўлайтириш, ички ва экологик туризмнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қўмақлашади. Айни пайтда туризм ривожланиши жойларда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, қўшимча иш ўринларини яратиш, инфратузилмани яхшилашда муҳим ўрин тутди. Икки йиллик миллий ташувишлар — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядор-

лик компаниясининг ички ва ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш орқали партиямиз инсоният цивилизациясининг қадимги Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ғоясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, ЎзМТДП Сайловолди платформасида суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислох қилиш борасида ҳам бир қатор вазифалар белгиланган. Ушбу соҳада партия инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш, қонунларимизнинг миллий қадриятлар руҳи билан суғорилишига эришиш ва Ўзбекистон халқининг миллий аъёна ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларнинг суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифалардан, деб билади. Қўллаб демократик давлатлар томонидан эътироф этилаётган ва ўрганилаётган, одил судловни самарали амалга оширишнинг амалий шаклларида бири ҳисобланган ярашув институти мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноий қонунчиликни либераллаштириш бўйича жиддий омиллардан бири бўлди. Партиямиз ушбу ижобий тажриба қўламини янада кенгайтириш ғоясини тўла қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, партиямиз маъмурий-ҳуқуқбузарлик соҳасида ҳам ярашув институти қўлланишини киритиш, жабрланувчининг аризаси мавжуд бўлгандагина жиноят ишини қўзғатиш мумкин бўлган жиноят турларини янада кенгайтириш, низоларни судга ҳал этиш тартибини такомиллаштириш ғояларини илгари суради.

Партиянинг Сайловолди платформасида ижтимоий соҳада ҳам бир қатор янги тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилганки, улар аҳоли турмуш сифати ва қўлайлиқларини оширишга хизмат қилади. Бу борада партия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш янада қўлайтириш, уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига қўмақлашишни мақсад қилган. Аҳоли бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратади. Ўлов-контракт асосида олий таълимга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш, таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-

фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга қўмақлашади.

Партия ахборот соҳасига оид бир қатор масалалар бўйича ўз тақлифларини илгари суради. ЎзМТДП келгусидаги фаолиятида миллий ахборот маконининг босқичма-босқич ривожлантирилиши ва шу орқали жойларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш, радиозштиттиришлар тизимини модернизация қилишга қўмақлашади. Бундан ташқари, ёшларнинг камолотида хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш, миллий журналистикани ривожлантиришда давлат қаролларини таъминлаш, ҳар томонлама истеъдодли журналистларни қўллаб-қувватлашга қўмақлашиш партиямиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Дарҳақиқат, бугун сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити тобора ривожланиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кенгаётган бир пайтда аниқ, ҳаётий ва аҳоли манфаатларига мос мақсад-вазифаларни ўз зиммасига олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, партиямизнинг Сайловолди платформасида белгиланган ғоя ва мақсадлар бугунги замон талабига мутаносиб, давр тақозо этаётган муҳим масалалар эканлиги билан аҳамиятлидир. Бизнинг асосий ғоямиз — Ўзбекистоннинг буюк келажига бор билим ва малакаси, ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Азиз ҳамшаҳарлар, “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Сайловолди платформаси халқимизнинг қадриятлари, урф-одат ва аъёнларини, орзу-интилишлари билан чамбарчас боғлиқ. Партиямиздан сайланадиган депутатлар юқорида таъкидланган эзгу ниятларимизни ва ғояларимизни, мақсад-вазифаларимизни рўёбга чиқаришда бутун куч ҳамда имкониятларини ишга солади!

Ҳурматли сайловчилар — азиз ҳамшаҳарлар!

24 ДЕКАБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ!

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши

КИТОБСЕВАРЛАР ДАВРАСИДА

Бугунги кунда кенг қўламли ўзгаришлар, янгиланишлар ҳамда иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда маданий-маърифий соҳаларда ҳам катта юксалишлар кўзга ташланмоқда. Айниқса халқимизнинг китобхонлик маданиятини ошириш, ёшларни китоб ўқишга жалб этиш, улғу аждодларимизнинг маънавий меросини чуқурроқ ўрганиш, ёш авлоднинг онг ва тафаккурини янада тараққийлантириш мақсадида бир қанча тадбирлар, кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январда эълон қилинган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши бу борада олиб борилаётган ишлар қўламини янада кенгайтиришга ва тизимли иш олиб боришга хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан шахримиздаги мавжуд 11 та туманда ўтказилаётган учрашувлар ҳам китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш, уни тарғиб қилиш борасидаги эзгу ишларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Мирзо Улуғбек туманидаги 64-сонли умумтаъ-

лим мактабига ўтказилган “Китобим — офтобим!” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ҳам шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Ботиржон Эргашев, “Маҳалла зиёси” Республика ўқув-услубий маркази бош мутахассиси, филология фанлари номзои Баҳодир Суюнов ва бошқалар китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш, китобхонликнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги салмоғини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслиги, маҳалла фуқаролар йиғини идораларида ташкил этилган кутубхоналарнинг турли адабиётлар билан таъминланишини янада қўлайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

“Лашкарбеги”, “Нур”, “Асака”, “Окибат”, Мирзақалон Исмоилий ва бошқа маҳаллаларнинг фу-

қаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, “Кизлархон клуби” аъзолари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этган тадбир барчага бирдай манзур бўлди.

Китоб инсоният кашф этган буюк мўъжизалардан бири, тараққиёт ва улкан кашфиётлар қалитидир, — дейди Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси Муҳаммад Исмоил. — Китоблар ёшларимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, мардлик, жасурлик, ҳаёлилик ва тўғрилиқ каби инсоний фазилатларини камол топтиришга, она юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб улғайишга, шу билан бирга миллий қадриятларимизни қадрлашга, урф-одатларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида қарашга чорлайди.

Ҳа, китоблар инсон тафаккурини юксалтиришда, унинг ички дунёсини эзгулик, яхшилик туйғулар билан чамбарчас боғлашда энг гўзал воситадир. Шундай экан бу каби тадбирларнинг ўтказилиб борилиши нафақат ёшларда, балки барча миқдда китобхонлик ва китобга бўлган муҳаббатнинг ортисида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бектемир, Миробод туманларида бўлиб ўтган “Маҳалла китобсеварлари” учрашуви ҳам маҳалла аҳли ва ёшларига бир олам қувонч, ўзига хос мазмун ва маъно кашф этди.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

10 ОЙДА 125 ЖИНОЯТ ИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Сергели туманида Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда судьялар, кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди райси Б.Исломов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 ноябрь куни ўтказилган мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш жамиятнинг тинчлик ва оқилоланишнинг мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан эканини таъкидлади.

Ҳар бир фуқаро онгиди “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган туйғуни шакллантириш, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш гоят муҳим аҳамият касб этади. Йиғилишда 2017 йилнинг январь-октябрь ойларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот берилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва туман судлари томонидан 10 ойда 185 нафар вояга етмаган шахсга нисбатан 125 жиноят иши кўриб чиқилган. Уларнинг 147 нафарига нисбатан 90 жиноят бўйича ҳукм чиқарилган. Ҳукм чиқарилган вояга етмаган шахсларнинг 42 нафарига

жарима, бир нафарига мажбурий жамоат ишлари, 54 нафарига озодликдан чеклаш ва энг ачинарлиси, 34 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Вояга етмаганларга нисбатан қўрилган жиноят ишларининг 30 таси сайёр суд мажлисларида қўрилган.

Тадбир очик мулоқот тарзида ўтди. Содир этилган жиноятлардан мисоллар келтирилди. Ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. Ёшларнинг саволларига жавоб берилди.

Нурилло НАСРИЕВ

ШАҲАРСОЗЛИК ҚОИДАЛАРИ АСОСИДА

Бугун пойтахтимиз Тошкент ҳар қачонгидан кўра кўпроқ қурилиш майдонига айланган, десак асло муболага бўлмайди. Қарерга қараман, улкан қурилишлар, бунёдкорлик ишларининг устидан чиқасиз.

Албатта, бу улкан қурилишлар қўламини оддий аҳолига, айниқса транспорт қатновига ҳалақит бермаслиги лозим.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган брифингда ана шулар ҳусусида сўз борди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳарсозлик кодекси”, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 26 февралдаги “Тошкент шаҳар кўчаларида фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан ҳамда пойтахтимиз аҳолисига нуқуллайликлар тугдирмаслик, қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудудлардаги транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш, шаҳар кўчаларини ифлослантиришнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳар ҳудудидида қурилиш майдонларида экология ва атроф-муҳитга зарар етказмаслик, қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудудларда транспорт воситаларидан фойдаланиш маданиятига риоя қилиш ва шаҳар кўчаларини тоза сақлаш (ифлослантиришнинг олдини олиш) тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди.

Фармойишда қурилиш объектларини режалаштириш, лойиҳалаштириш, қурилиш ва ишга тушириш пайтида шаҳарсозлик нормаларига риоя этишлари, қурилиш маданиятига риоя қилинишини ҳамда шаҳар кўчаларини ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар қўриш ва назоратини қўлайтириш назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 4-моддасига асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолияти объектида қурилиш ишлари бошлангандан сўнг, қурилиш ҳудудларига чегарадош ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг эгалари ҳамда маъмур устакча объектларидан фойдаланувчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шаҳарсозлик нормаларига зид хатти-ҳаракатлар қўзғатилганда ҳудуддаги қурилиш ишларини тугатиш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимлигига тегишли тақлифлар киритилиши мумкинлиги таъкидланди.

Тадбирда Тошкент шаҳрининг барча ҳудудларида, айниқса марказий кўчаларда қурилаётган йўл ва кўприklar, ҳибоблар, ижтимоий объектлар, истироҳат боғлари, янги турар жой бинолари, ишлаб чиқариш ва бошқа қурилиш объектлари ҳудудларига хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларини объектлар ҳудудига кириш ва чиқишларида тозаланиш риоя этишлари бўйича зарур қоидаларга амал қилишлари лозимлиги таъкидланди.

Пойтахтимиз ҳудудидида қурилиш объектларига қатнайдиган транспорт воситаларининг назорати тегишли ташкилотлар томонидан ўрганиб борилиши, қўнун бузилиш ҳоллари аниқланганда, ЎЗР Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 147-моддасига мувофиқ тегишли чоралар қўриш тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Тошкент архитектура-қурилиш институтининг бино-иншоотлар қурилиши факультетида Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов билан учрашув ўтказилди.

ИНСТИТУТДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Унда институт проректорлари, деканлари, факультетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди. Тадбирни кириш сўзи билан очган институтнинг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Д.Эшмуродов ўзбек театри санъатида бугунги кунда амалга оширилаётган ўзгаришлар, умуман, санъатнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Сўнг Эркин Комилов йиғилганларга ўзининг ҳаёти ва ижоди, театр ва кинода яратган образлари тўғрисида батафсил маълумот берди, сеvimли актёр ва талабалар ўртасида қизикarli савол-жавоблар бўлиб ўтди. Тадбир сўнггида Э.Комилов она, Ватан, муҳаббат ҳақидаги шеърларни ифодали ўқиб берди.

Нигора АЛИМОВА

Футбол ангиллари

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ –
СОВРИНДОР

Бухоро шаҳрида футбол бўйича 2001-2002 йилларда таваллуд топган ўсмирлардан таркиб топган олий ва биринчи лиганинг тайёрлов гуруҳлари жамоалари ўртасида уюштирилган турнирнинг республика босқичи якунига етди.

Кувонарли жиҳати, ушбу мусобақага пухта тайёргарлик кўрган Денис Коростиченко бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" клуби тарбияланувчилари гуруҳ босқичида "Машъал"ни 1:0, "Навбахор"ни 4:1, "Бухоро"ни 3:1 ҳисобидан енгиб, ярим финалда "Ўз-ДонгЖу" командасини ҳам 2:0 ҳисобидан мағлубиятга учратди. Бош соврин учун "Пахтакор" ҳамда "Бунёдкор" ўртасида уюш-

тирилган ўйин мurosасиз кечди. Учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтилар сериясида омад ёш "қалдирғоч"ларга кулиб боқди. Пенальтилар сериясида рақибларидан кўра аниқроқ ҳаракатланган "Бунёдкор" ғолиб чиқиб, мусобақа чемпионлигини кўлга киритди. Пахтакорчиларга эса турнирнинг кумуш медаллари насиб этди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Россия пойтахти Москва шаҳрида футбол бўйича 2004 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган жамоалар ўртасида уюштирилган Константин Бесков хотирасига бағишланган XII халқаро турнирда қатнашган "Бунёдкор" жамоаси Тошкентга ёруғ юз билан қайтди.

Россиянинг "Спартак", "Динамо", "Локомотив", ЦСКА, "Анжи", "Кубань", Егорьевск вилояти футбол мактаби ҳамда Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоалари ғолиблик учун баҳслашган халқаро турнирда ҳамшаҳарларимиз муваффақиятли тўп суришди ва якунда учинчи ўринни эгаллаб, бронза медаллари билан тақдирланди.

Отабек Ғуломхўжаев ва Миржамол Қосимов мураббийлигидаги ёш "қалдирғоч"лар биринчи турда "Локомотив"га 1:2 ҳисобидан имкониятни бой берилган бўлса, ЦСКА футбол мактаби жамоаси билан кечган иккинчи беллашувда 2:2 ҳисобидан жанговар дуранинг кайт эттирди. Гуруҳ босқичининг сўнгги ўйинида ҳамшаҳарларимиз Егорьевск вилояти футбол мактаби тарбияланувчи-

ларидан 2:1 ҳисобидан устун келишди ва иккинчи ўрин билан ярим финалда ўйнаш ҳуқуқини кўлга киритишди. Финал йўлланмаси учун "Бунёдкор" Москванинг "Спартак" жамоасига қарши майдонга тушди. Мurosасиз ва шиддатли курашлар остидаги учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Пенальтилар сериясида 5:6 ҳисобидан енгилган "Бунёдкор" учинчи ўрин учун яна гуруҳдаги рақиб – Москванинг "Локомотив" жамоаси билан кураш олиб борди ва 4:3 ҳисобидан ғалаба қозонди.

Якунда учинчи ўринни кўлга киритган "Бунёдкор" жамоаси аъзоларига ҳам мусобақа мутасаддиларининг совринлари, эсдалик совғалари топширилди.

Ахбар Йўлдошев



ЮКСАК НАТИЖАЛАР САРИ

Бугунги кунда республикада ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорлиларни аниқлаш, билим даражасини ошириш учун олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бунда албатта юртимизда яратилган шарт-шароитларнинг ўрни катта. Ўтказилаётган турли танловлар орқали иқтидорли, истеъдодли ёшлар аниқланмоқда.

Ана шундай танловлардан бири куни кеча Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказида робототехника йўналишидаги "Орзуимдаги робот" Республика сиртки танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

– Ўқувчи-ёшларнинг илм-фан ва техника соҳасининг ривожига ҳисса қўша олиши, робототехника йўналишидаги гоёлари ва ижодий ишларини намойиш этиш, техник йўналиш бўйича иқтидорини аниқлаш ва қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш имкониятини яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида робототехника йўналишидаги "Орзуимдаги робот" Республика сиртки танлови ўтказилди, – дейди Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Раъно Мадиева. – Ушбу танловда шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази ҳамда туман босқичларида 1-ўринни эгаллаган 7 та туманининг тўғарак аъзолари иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари

ижодий ишларни баҳолаш жараёнида қандай мезонларга амал қилинган, иштирокчилар ичидаги энг фаол ва самарали ижодкорларнинг ишлари эътироф этилди. Шу билан бирга танловда ғолиб бўлган тўғарак аъзоларининг Республика босқичига тайёргарлик кўриш жараёнида нималарга аҳамият бериши лозимлиги айтиб ўтилди.

Танлов шартларини Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Чилонзор ЎСТК" унитар корхонаси раҳбари Абдураззоқ Саламов ҳамда ташкилотнинг спорт йўналиши бўйича мураббий Азим Домлажоновлардан иборат ҳакамлар ҳайъати кузатиб, баҳолашди.

Танловга робототехниканинг 3 та – болалар учун мўлжалланган электрон ўйинчоқлар, қишлоқ хўжалиги, саноат роботлари йўналиши бўйича ижодий ишлар тақдим этилди.

Намоиш этилган ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан қўрилиб фахрий ўринлар тақсимланди.

Ғолибларга Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тимур Камиллов олган сурат

УЧ "БОТИР"НИНГ ҚИЛМИШИ

Ҳаётда ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол яшашга нима етсин. Афсуски, орамизда ўзганинг мулкига кўз олайтириш катта гуноҳ эканлигини билсада билмасликка оладиган одамлар ҳам бор. Улар бир ишнинг бошини тутиб ҳалол яшашни эп кўрмай тезда катта бойликка эга бўлишни ўйлайдилар.

Кўр кўрни қоронғида топади, дейди халқимиз. 27 ёшли Дилмурод Зияев ҳали буйдоқ бўлсада белни оғритмасдан пул топиш йўлининг антиқа йўлини топади. Калтис режани амалга ошириш учун Дилмуродга камида иккита ишончли шерик керак эди. Дилмурод дастлаб ҳамтового Бехзодбек Низамитдинов билан сирлашди. Ойнали, бир фарзанднинг отаси бўлган Бехзодбекка Дилмуроднинг таклифи мойдек ёқиб тушди. Кўп ўтмай яна бер шерик топилди. У 1985 йилда туғилган, тайинли юмуш билан шуғулланмасдан буйдоқ ҳолатда сангир борман Акмал Расулов эди.

Учовалон анчадан бери бир-бирини яхши билгани учун тил топишш жуда осон кечди. Мўмай даромад олиш режасини пухталаштириб, кунлардан бирида "ишга" чиқишди.

Дастлаб улар Тошкент шимолий вокзали йўналишида ҳаракатланиб кетаётган фуқаро У.Саидкулов бошқарувида бўлган "Daewoo Racer" русумли машинада катта пул борлигини хабар топиб, уни ўмариш ҳаракатига тушибди. Ва Б.Низамитдинов бошқарувидаги "Спарк" русумли машинада тезда манзилга боришди. У.Саидкуловни қувиб ўтиб, қўллари билан йўл четига тўхташ ҳақида ишора беришди. У.Саидкулов "тинчликчилик" дея аста йўл четига тўхтади. Шоввозлар ўзларини ички ишлар ходимлари сифатида таништириб, сўнгги иш ҳужжатларини, автомашинанинг юкхонаси ва салонини гўёки текширишди. Бу орада шерикларидан бири шахсий ҳужжатларни текшириш мақсадида А.Саидкуловни

салонни паналатиб, гап билан чалғитиб туради. Каззоблар машина эгасининг салонни кўраётганлигини фойдаланиб, автомашина юкхонасида бўлган пулга тўла сумкани усталик билан пастга, йўл четига қўйиб қўйишди. Иш пишган сохта орган ходимлари фуқародан уэр сўраб, ҳужжатларини қайтариб беришиб, ишларига омад тилаб кузатишди. А.Саидкулов эса ҳеч нарсадан шўбхаланмай ўз йўлида давом этди. Шоввозлар эса воқеа жойидан тезда ғойиб бўлишди. Уша кунги ўлжа оз эмас кўп эмас нақд 19 млн. сўмни ташкил этди. Уч "ботир" тайинланган жойга боришиб, мўмай ўлжади арра қилишди. Улар ўз улушларини ҳаром ҳамёнига урар экан, бир ҳалол оиллага катта ташвиш келтиришганини ҳатто ҳаёлларига ҳам келтиришмайд.

Биринчи ютук шоввозларни илҳомлантириб юборади. Ўзларининг урдабуронлигига ўзлари тан беришди. Улар кўзига фақат миллионлар кўринар эди. Кейин навбатдаги ўлжани қидиришга тушибди. Шарт битта. Машинада пақат катта пул бўлиши керак. Кўп ўтмай устаси фаранг пул-топарлар назарига Сергели тумани, Катта халқа йўли йўналишидаги "Туркистон юлдузи" МЧЖга қарашли АТГШдан чиқиб келаётган Д.Махаммов бошқарувидаги "Кобальт" русумли автомашинага тушди. Дилмурод Зияев бошқарувидаги "Нексия" машинасида келиб қўллари билан йўл четига тўхташ ҳақида "Кобальт" ҳадовчисига ишора беришди. Акмал ва Бехзодбек ўзларини ички ишлар ходимлари сифа-

тида таништириб, унинг ҳужжатлари, автомашинаси юкхонаси ва салонини текширишга тушиб кетишди. Бири эса машина эгасини гап билан чалғитиб туради. Шериклар автомашина юкхонасида елим ҳалтада бўлган 22 млн. сўмлик нақд пулни яширин равишда ўғирлаб, билдирмай йўлнинг четига ташлаб қўйишди. Гуруҳ аъзоларидан бири пулни Д.Зияев бошқарувидаги "Нексия" машинасига ортиб, воқеа жойидан яширинмоқчи бўлганларида, Д.Махаммов сохта "орган ходимлари" томонидан аслида ўғирлик жинояти содир этилганини сезиб қолади ва ўғирлар ортидан қувишга тушади. Кўчада машиналар кўчилиги ўғирларга қўл келиб, таъкибчи назаридан осонликча қутулишга муваффақ бўлишди. Хуллас бу галги "иш" сал калтис тарзда ўтган бўлсада катта даромад келтиради. Пул топишнинг осон йўли топилгани учарларни маст қилар, бир-бирини кўкка кўтариб макташдан чарчашмас эди.

Кунлардан бирида уч "ботир" навбатдаги операцияга чиқишди. Бу гал Чилонзор тумани, Катта халқа йўли йўналишида жойлашган "Олим полвон" чойхонаси яқинида йўл четига турган "Исузу" автобуси уларнинг эътиборида бўлади. Пайт поймаб автобус ҳайдовчиси Б.Аманкуловга ўзларини орган ходимлари сифатида таништириб, синланган усул билан 17 миллион 300 минг сўмни ўмаришиб, воқеа жойидан яширинишди.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деган гап бор. Жиноятчилар ўзларининг навбатдаги қабих ниётларини амалга оширмоқчи бўлганда кўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди қарори билан судланувчи Д.Зияевга олти йил, Акмал Расуловга олти йил, Б.Низамитдиновга уч йил қамок жазоси тайинланиб, уч "ботир" қилмишга тегишли нуқта қўйилди.

Наргиза СУЛТАНОВА,
Тошкент шаҳар прокуратураси
катта прокурори

"101"

ҲАР ЧОРШАНБА ЁНГИНЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

Сўнгги йилларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий осмонўпар бинолар, замонавий таълим масканлари ва уй-жойлар, иншоотлар қад кўтарди.

Мана шундай ҳавас қилса арзийдиган, шинам, чиройли масканларга қилинган биргина хато, яъни эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш оқибатида қулфат олиб келишни бир ўйлаб кўринг-а?

Шундай экан ҳар бир фуқаро ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш билан бирга инсонлар ҳаётини сақлаб қолган бўлади! Яшнобод туманида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 159 та ёнгин содир бўлиб ёнгинларда 4 нафар фуқаролар турли хилдаги қулиш тан ҳароҳатини олди ва 3 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Юқоридаги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларни ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишларини сўраб қоламиз.

Ҳаким ЖУРАЕВ,
Яшнобод тумани ЁХБ инспектори, сержант

Олов – тилсиз ёв. Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамisha ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. Хўшёрлик ва эҳтиёткорлик ўт-олов хавфсизлигининг олди олинишига хизмат қилади. Чунки ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдликка, бепасандликка берилиб бўлмайди.

Бугун жаҳонга юз тутаётган мамлакатимиз бойликлари, табиат ва шу заминда яшаб меҳнат қилаётган барча фуқароларни ўт балосидан асраш нафақат шу соҳа ходимларининг, балки ҳаммамнинг бурчидир. Ёнгинларни ўчиришдан кўра, уларнинг олдини олиш осон, бунга эса эсдан чиқармаслигимиз зарур.

Худоёр ШОКИРОВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ЁХБ инспектори, сержант

Хонадонларни иситиш ва ёритиш тармоқларининг ёнгин-техник жиҳатдан талабга жавоб бера оладиган ҳолатда бўлиш кўп жиҳатдан тегишли ташкилот ва идоралар, айниқса, газ ва электр таъминоти идораларининг масалага қай даражада ёндашишига боғлиқ.

Кузги-қишқи мавсумда иситиш ва ёритиш манбаларидан фойдаланиш жараёнида қоидабузарликларга йўл қўйилмаслиги учун илмий, хизматчилар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларга газ ёқилмаси ва электр қувватидан фойдаланиш тартиб-қоидалари бўйича тушунарлар берилади.

Шаҳар хўжалигини кузги-қишқи мавсумга тайёрлашга қаратилган тадбирлар ўқув ва даволаш муассасаларида, бозорлар ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масканларида ҳам амалга оширилади. Бу тадбирлар давомида "Ёнгин хавфсизлиги" турсидаги "Ўзбекистон Республикаси Қонуни кенг тарғиб этилди. Жойларда қонун устуворлигига эришиш мақсадида корхона, ташкилот ва ҳар бир ишлаб чиқариш масканидagi меҳнат жамоаси, шунингдек маҳаллалар жамоатчиликлари билан учрашув ҳамда суҳбатлар олиб борилиб, фуқароларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги бурчи ва мажбуриятлари тушунтирилиб борилади.

Шерзод ВАЛИЕВ,
"Маърифат маркази"
ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

Жорий йилнинг 29 октябрида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ Марказий диспетчерлик хизматига Сергели тумани, "Соф-дил" маҳалласи, Узғариш мазееси, 1-уй, 60-хонадонда ёнгин содир бўлганини хабар тушган.

Сергели туманининг ёнгиндан муҳофаза қилувчи 8-сонли ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмининг жанговар бўлинимаси ёнгин жойига етиб келган вақтида хонадонда 2 квадрат метр майдонда ўрин-қўрпа ёнганлиги, натижада 1937 йилда туғилган фуқаро Р.Емурсановнинг қуйган тан жароҳатини олган ҳолда жасоди аниқланган.

Олиб борилган суриштирув ишлари давомида фуқаро Р.Емурсанов 6 ойдан бери ҳаракатлана олмасдан тушакка миҳлиниб қолганлиги, хонадонда ёлғиз яшашди маълум бўлган. Қўшиллар ва маҳалла фаллолари таъинидан берилган кўрсатмаларидан маълум бўлишича шу кунги электр сув қайнатиш мосламаси (қипятилик)нинг электр симларини ҳимоя қобили зарарланганлигига қарамадан фойдаланиш оқибатида ёнгин юз берган.

Шу ўринда электр ускуналаридан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни унутмаслигини эслатиб ўта-ми. Ёнгин содир бўлганда "101" рақамига хабар бериш.

Улугбек МҲМИНОВ,
Сергели тумани ЁХБ бошлигининг
ўринбосари, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат корхонаси томонидан "USMON OTA" МЧЖ номига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ҳасанбой ҚФЙ, ТАХЙ ёқаси Халқа йўли қўчаси, 10-уй манзилда жойлашган нотураж жой учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ


"Яккасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Мамажонов Собитжон Мамажониевич номига турар жой учун берилган Яккасарой тумани, Уриқзор қўчаси, 1-уй, 26-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яккасарой туманидаги 59-оилавий поликлиника умумий суммаси 200 000 000 сўмни ташкил этувчи жорий таъмирлаш, яъни эшик ва ромларни аскага, том қисмининг профнастигга алмаштириш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун манзил: Ш.Руставели қўчаси, 75а-уй. Тел: 253-06-16; 253-08-19. Тақдирлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.



Ҳарорат кечаси — 1-3 даража илқ, кундузи — 3-5 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 1 декабрь кунини ҳаво ўзариб туради, кечқурун ёмғир ёғиб қорға айланishi эҳтимоли бор. Шаҳардан гарба йўналиши узғаришган шамол селкундига 5-10, қунайган ҳолда 12-17 метр тезликда эсди.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларининг бир оз тарқалиб кетишига имкониёт яратибди, ифосиланиш даражаси наст бўлади.

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

"Ўзбекэнерго" АЖ Илмий-техника маркази масъулияти чекланган жамияти 2017 йилда қуйидаги компьютер анжомларини сотиб олиш учун шу турдаги жиҳозлар савдоси билан шуғулланиладиган етказиб бериш ташкилотларини тақдир этди.

№	Товар номи	Бренд	Модель	Қиймати	Ўлчам
1	PC HP Pavilion 400 G4 MT Core i5-6500/8GB/500GB/19.5" (48.76cm) Monitor Free DOS (win7x64)	компьютер	3	5 867 800	1177x660
2	Monitor 23.5" HP V235a LED Backlit Monitor (win 7x64)	Дисплей	3	1 284 700	235x660
3	Printer Canon LBP 600C	Дисплей	2	2 267 800	235x660
4	MV CANON 120D/120E	Дисплей	2	27 000 000	235x660
5	Tablet MID 10.1" 1280x800	Дисплей	2	30 000 000	235x660
6	Netbook MSI WJ 300A/Core i7 7700/8GB/128GB SSD/10.1" 1280x800	компьютер	2	7 462 000	1280x800
7	Tablet Case Air Tablet/Bone Tablet/Hybrid/Keyboard/Mouse	компьютер	1	5 250 000	820x600
8	Netbook ASUS Eee PC 1000A/Core i5 7400 3.06GHz/8GB/128GB SSD/10.1" 1280x800	компьютер	2	45 000	820x600
9	Netbook ASUS Eee PC 1000A/Core i5 7400 3.06GHz/8GB/128GB SSD/10.1" 1280x800	Дисплей	2	349 000	820x600
10	Tablet ASUS Eee PC 1000A/Core i5 7400 3.06GHz/8GB/128GB SSD/10.1" 1280x800	компьютер	3	4 000 000	820x600

Буюртмачи – "Ўзбекэнерго" АЖ Илмий-техника маркази МЧЖ
Буюртмачи шартлари: талабгор шу соҳада камида 3 йил иш олиб борман бўлиши, шартнома тузилган кунга етказиб бериш корхона сиборида шу мақсудлар мавжуд бўлиши керак.
Етказиб бериш муддати – 15% пул маблағи ўтган кундан бошлаб 2 иш кунини мақсудларни етказиб берилиши шарт.
Танловлар эълон газеталда чоп этилган кундан бошлаб 10 (ун) кундан сўнг қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мухтор Ашрафий қўчаси, 1-муқолиш, 9А-уй.
Мурожаат учун телефон: (0-371) 230-14-47, (0-594) 578-90-87, (0-594) 684-19-65

Яккасарой тумани МТБ тасарруфидаги 362-сонли мактабгача таълим муассасаси мебел жиҳозлари, 2 қаватли болалар ётоқхонаси тўпламини харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Хариднинг бошланғич суммаси: 22 000 000 сўм
Мурожаат учун телефон: 255-05-66 ёки (90) 336-05-11
Мурожаатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

Мирзо Улугбек тумани ТҚУИ томонидан 19.12.2011 йилда №07033-04-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SANDUNI PREMIUM INVEST" МЧЖ (ИНН 302157166) таъсисчиларининг 28.11.2017 йилдаги №3 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99893 320-20-00

Тошкент шаҳар идораларо шахсий таркиб ҳужжатлари марказий архиви жамоаси Тошкент шаҳар ҳудудий архив иши бошқармаси бошлиғи Алижон Ваҳобович Маҳмамовнинг ораси

МҲТАРАМБОН АЯНИНГ

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинлари-га қўқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр курсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳақими — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4021 нусхада босилди.
Қороз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамти»га — 233-74